

Расулуллоҳнинг □ сафар қилувчига дуолари



09:10 / 30.06.2025 1229

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сафар қилишни хоҳлайман, менга васият қилинг», деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сенга Аллоҳдан тақво қилишингни ва ҳар бир баландликка кўтарилишда такбир айтишингни васият қиламан», дедилар. Ҳалиги киши орқасига қайтиб кетганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

رَفَّ سُلَّالَهُ فَيَلَعُ نَّوَّوَهُ، دِّيَعَبَلْ أَلْهُ وَطَأْ مُهَلْ لْ

«Аллоҳумма итви лаҳул баъийда ва ҳаввин ъалайҳис сафара», деб айтдилар.

Маъноси: «Аллоҳим, узоғини яқинлаштиргин ва сафарни унга енгил қилгин».

Термизий ва Ибн Можа ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.